

## HISTORY OF THE KOKAND KHANATE IN FOREIGN STUDIES

**Abdugaffor Sharafiddinov**

*Fergana State University, Associate Professor of History of Uzbekistan candidate of historical sciences*

### ARTICLE INFO.

**Keywords:**

Soodanbekov, Lunyov,  
Beyssembiyev, Terletsky,  
Holdsworth, Mans, Bregel, Oldward,  
Saray, Komatsu, Kawahara, Jacques  
Louis Bake-Gramon, Milword,  
Newbay, Sakhadei, and Livi.

### Annotation

Based on historical sources and literature, the article describes the study of the activities of Abdurahmon Oftobachi, one of the most important figures in the political life of the Kokand Khanate, by foreign researchers. In particular, the data presented in the works of the American historian S. Livi are analyzed.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

XIX асрнинг 70-йилларида Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин тутган сиёсий арбоблардан бири Абдурахмон офтобачидир Қўқон хонлигида офтобачи, сўнгра парвоначи, минг-боши. Қўқон хонлигининг жанубидаги тоғли вилоятларда яшовчи қирғизлар ва қипчоқларнинг бир қисми томонидан Худоёрхоннинг зулмига, хусусан солиқ сиёсатиға қарши бошланган қўзғолон раҳбарларидан бири. Уларга ўзбек ва тожиклар қўшилиб умумхалқ ҳаракатиға айланиб кетган. Худоёрхон қўзғолонни бостириш учун Абдурахмон офтобачи ва Иса авлиё бошчилигида қўшин жўнатган, бироқ улар қўзғолончилар томонига ўтган. Қўзғолончилар Ўш, Наманган, Андижон ва Асакани олганлар. Хон қўзғолонни бостириш учун Туркистон генерал-губернаторлигидан ёрдам сўраган ва уни кутмай Тошкентга қочган. М. Д. Скобелев бошчилигидаги жазо қўшини Қўқонга 1875 йил 13 июлда етиб келган. Қўзғолончилар 1873 йилдаёқ Пўлатхонни хон деб еълон қилганларига қарамай Абдурахмон офтобачи Худоёрхон қочиб кетгандан сўнг тахтга Худоёрхоннинг катта ўғли Насриддин-бекни ўтказди. Абдурахмон офтобачи қўзғолончилар сафини янги кучлар билан тўлдириб, қипчоқлар ва оддий жангчиларга даҳбоши, элликбоши каби унвонлар бериб, уларни янгидан тузилаётган қўшинларга бошлиқ этиб тайинлаган. 1875 йил 22 августда Маҳрам жанги бўлиб, унда қўзғолончилар ёмон курулланганликлари, ҳарбий маҳорат йўқлиги туфайли енгилганлар. 8–9 сентабрда Абдурахмон офтобачининг 5 минг кишилиқ лашкари М.Д.Скобелев қўшини билан Мингтепа кишлоғида жанг қилиб мағлубиятга учраган. Абдурахмон офтобачи 25 йигити билан Ўзганга қочган. Бу жангларда Пўлатхон Абдурахмон офтобачига ёрдам бермаган. Абдурахмон офтобачи ва Пўлатхонларнинг ўзаро рақобатидан фойдаланган рус қўшинлари Қўқон, Марғилон ва Ўшни жангсиз эгаллайди. М.Д.Скобелев Абдурахмон чопиқ бошчилигидаги қипчоқларга узил-кесил зарба бериш учун қипчоқларнинг Норин билан Қорадарё оралиғидаги қишлоғи ёриға 1876 йил кишида ҳарбий экспедиция уюштирган. Қўзғолончилар бундан хабар топиб рус қўшинини Андижонда кутиб олганлар. 1876 йил 8 январдаги жангда қўзғолончилар яна мағлубиятга учраганлар. 18 январда Абдурахмон чопиқ бошчилигидаги лашкар Асакада енгilib, шаҳарни ташлаб чиққан. 19 январда Пўлатхон сулҳ таклиф етиб Хўжандга К.П.Кауфман хузуриға елчиларини юборган. Бундан Абдурахмон чопиқни рус айғоқчилари огоҳ етадилар. Абдурахмон

чопиқ ўз ҳаётини сақлаб қолиш ва мавқега ега бўлиш илинжида 1876 йил 20 январда таслим бўлиши ҳақида музоқаралар олиб бориш учун ишончли кишиларини жўнатган, 24 январда генерал М.Д.Скобелев билан шахсан учрашганидан сўнг ўз сафдошлари (26 сафдоши ва 400 жангчи) билан таслим бўлган. Абдурахмон чопиқ ўз тасарруфидаги кўзғолончиларни тарқатиб юборган, бу билан кўзғолон мағлубиятга маҳкум этилган.

Абдурахмон офтобачи сиёсий фаолияти кўплаб олимлар томонидан алоҳида тадқиқот сифатида бўлмасада, Қўқон хонлиги тарихига бағишланган ишларида ёритиб ўтилган. Жумладан, 1991 йилдан кейинги даврда МДХ мамлакатлари тадқиқотчилари, қозоғистонлик, қирғизистонлик ва россиялик олимлар – Т.Бейсембийев, С.Сооданбеков, Ю.Лунёв, Н.Терлецкийлар Қўқон хонлиги тарихига оид илмий изланишлар олиб бордилар ва уларнинг асарларида қисқа бўлсада, Абдурахмон Офтобачи тўғрисида маълумот бериб ўтилган [1–3; 11].

Қўқон хонлиги тарихини ўрганишга олис хориж тадқиқотчилар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар жумласига инглиз, япон, турк, америкалик ва канадалик олимларни киритиш мумкин. Уларнинг асарларида хонлик тарихининг айрим жиҳатларини ёритиб берувчи маълумотлар учрайди. Албатта улар орасида сиёсий жараёнлар ва хонликнинг тугатилиши воқеалари фонидан Абдурахмон офтобачи тўғрисида ҳам фикр билдириб ўтилган [4–10]

Сўнгги йилларда Қўқон хонлиги тарихи билан америкалик тадқиқотчи Скотт Ливай (Огайо университети) қизиқа бошлади. 2006 йилда у илмий маъруза қилиб, яна бир бор Олтин бешик тўғрисидаги ривоятга мурожаат етди. Маърузада Т. К. Бейсембиев ва Ш. Ҳ. Воҳидовларнинг асарларида келтирилган маълумотлар такрорланади. Шунга қарамай, С.Ливай ушбу ривоятни мустақил равишда талқин етмоқдаман, деб даъво қилади.

Илмий ишларидан бирида С. Ливай ҳақли равишда шуни таъкидлаб ўтадики, “ғарб” тарихшунослигида тадқиқотчилар Қўқон хонлиги тарихини аксарият ҳолларда Синзьян (Қошғар ёки Еттишаҳар) тарихи билан боғлиқ ҳолда ва асосан хитой манбалари асосида ўрганганлар. Айни вақтда улар форс ва чигатой (ўзбек) тилидаги маҳаллий тарихнавислар асарларига мурожаат этмаганлар. С. Ливай ўз асарида Қўқон хонлигининг сиёсий тарихини қисқа тарзда баён етган ҳолда, асосий эътиборни Қўқон хонлиги (Фарғона водийси)нинг Хитойнинг халқаро транзит савдосида тутган ўрнига қаратади. Шунингдек, мақолада қисман Олимхон ҳукмронлиги даври ёртилади. Муаллиф унинг ҳукмронлигини Қўқон хонлигининг кучая бошлаши даври, деб баҳо беради. Умархон даври ҳақида сўз юритиб, С. Ливай уни Қўқонда исломий “режим” ўрнатди, деб айтади. Муаллиф бу воқеани Фарғона водийсининг ҳозирги замон диний ҳаёти билан боғлаш мумкин, деган мунозарали фикрни ўртага ташлайди [12].

С. Ливай 2017 йилда эълон қилинган монографиясида юқоридаги мақолада йўл қўйилган камчиликлар бартараб этилади. Бу унинг фаолиятида ўсиш кузатилганидан далолат беради. Форс-тожик ва эски ўзбек тилидаги манбалардан ва тадқиқотлардан изланишларида унумли фойдаланади [7; 12]. Ушбк асар “The Rise and Fall of Khoqand, 1709-1876 Central Asia in the Global Age” деб номланиб, олимнинг тадқиқотлари ичида алоҳида ажралиб туради. Манбалардан унумли фойдаланганлиги, сўнгги йилларда амалга оширилган тадқиқотлардан фойдаланганлик жиҳатлари ишнинг аҳамиятини оширган.

Скотт Ливай ўзининг “The Rise and Fall of Khoqand, 1709-1876 Central Asia in the Global Age” асарида Абдурахмон Офтобачи тўғрисида Худорхон билан яқин муносабатда бўлишига қарамасдан, Россия билан тинч муносабатларга шубҳа билан қараганлигини, Россия билан муносабатларга ашаддий қарши турувчи шахс сифатида келтиради [7: 205]. Скотт Ливай юқоридаги асарида Абдурахмон Офтобачи атрофига тўпланган одамларнинг рус кофирларига диний асосда қаршилик кўрсатишдан кўра, оппортунистик характерга эга эканлиги тўғрисидаги Б.Бабаджановнинг фикрларини тўғрилигини таъкидлайди [7: 206].

Махрамдаги жанг тўғрисида маълумот бериб Скотт Ливай, Абдурахмоннинг 30 минг қипчок

қўшини Тошкентдан Кауфман тарафидан юборилган қўшимча кучлар томонидан мағлуб этилганлиги, Абдурахмоннинг ўзи эса Шохрухбий авлодларидан бўлган Насриддинбекнинг укаси бўлган Муродбекни излаб топиш учун водий ичкарасига чекинганини ёзади. Аммо бу фикрларини асослаш учун бирор-бир тадқиқот ёки манбаларга ҳавола келтирмайди [7: 206].

Хўжандга қарши юриш пайтида генерал Кауфман ва полковник Михаил Скобелев (1843–82) Абдурахмоннинг қочган аскарларини қувиб, 5000 га яқин рус қўшинини бошқарган. Асарда Скотт Ливай Умидийнинг “Мактубчаи хон” асарига таяниб, Кауфман қўзғолонни бостириш ва Худаёрхонни тахтга қайтариш ниятида бўлган деган тахминни илгари суради. Лекин 22 августда руслар, жумладан Скобелев ҳам Махрам яқинида бўлиб ўтган шиддатли жангда қўқонликларнинг катта қўшинини тор-мор қилдилар. Кейин улар Қўқонга йўл олдилар ҳамда Насриддинни қўлга олдилар, бироқ Кауфман Худаёрхонни тўртинчи ҳукмронлик учун чакириб олиш ўрнига Насриддинни тахтга қолдирди ва уни янги, ҳатто оғир шартларни қабул қилишга мажбур қилди. Бу мағлубиятдан сўнг Россия Фарғона водийсидаги барча Қўқон худудларини Сирдарё шимолидаги (Умидий “Турон мулки” деб атаиди), шу жумладан Наманганни ҳам қўшиб олди [7: 206].

Кейин Кауфман генерал-маёр Скобелевни бу қўзғолонни тугатиш учун масъул этиб тайинлади. Скобелев Абдурахмон офтобачини таъқиб қилди ва қипчоқ қўмондони 1876 йил 20 январда ниҳоят таслим бўлгунга қадар уни бир неча бор мағлуб этди [7: 208]. Худаёрхоннинг учинчи ҳукмронлиги (1865–75) Россиянинг чўл қалъа шаҳарлари ва Тошкентни қўшиб олиши муносабати билан бу тўсиқларни енгиб ўтиш ва Қўқонда мувозанатни тиклаш бўйича ўн йиллик саъй-ҳаракатларини ифодалайди. Худаёрхон қипчоқлар ва ўзининг сарт тарафдорлари ўртасидаги адоватни четга суриб, Мусулмонкулнинг ўғли Абдурахмон офтобачига қипчоқ иттифоқчиси сифатида қаради ва 1868 йилда Россия билан бўйсунувчи, аммо тинч муносабатлар ўрнатди [7: 209]. Скотт Ливайнинг юқоридаги фикрлари Абдурахмон офтобачи тўғрисидаги асосий фикрлар ҳисобланади. Умуман олганда Абдурахмон офтобачи фаолияти тўғрисида фақатгина “Мактубчаи хон” асаридаги маълумотлардан фойдаланилган. “Тарихи шохрухий”, “Тарихи Фарғона” ва “Тарихи Туркистон” асарларидан фойдаланилганда янада ишнинг манбавий асоси кўтарилган бўлар эди.

Шундай қилиб, хорижий мамлакатлар олимлари ҳам Қўқон хонлиги тарихи муҳим ўрин тутган Абдурахмон Офтобачи фаолияти доир алоҳида тадқиқотлар олиб бормаган бўлсаларда, уларнинг айримлари жиддий илмий хулосаларни ўртага ташламоқдалар. Чет еллик олимларнинг маҳаллий манбаларга мурожаат қилишлари келажакда салмоқли илмий натижаларга эришишга олиб келиши мумкин. Жумладан, Абдурахмон Офтобачи сиёсий фаолиятини алоҳида тадқиқот сифатида олинишини айтиш мумкин.

### Манбалар ва адабиётлар / Источники и литература / References

1. Бейсембиев Т. Высшая административная Ташкента и Юга Казахстана в период Кокандского ханства // Историко-культурные взаимосвязи Ирана и Дашти-Кипчакав XVIII-XIX вв. // Материалқ круглого стола. Алматы, 2004.
2. Лунев Ю. Государство и право узбекских ханств с XVI – по XIX века. Москва: Аст, 2004.
3. Саоданбеков С. С. Общественный и государственный строй Кокандского ханства. Бишкек, 2000.
4. Vaque-Grammont J-L. Turan: une description du Khanat du Khokand vers 1832 d'après un document ottoman//Cahiers du monde russe et sorieique. 1972. XII. №2. Pp. 193-216.
5. Belgelerle Osmanli – Türistan ileshkileri (XVI-XIX Yuzyillar). Ankara: Bashki, 2005.
6. Komatsu H. khokand end Istanbul: an Ottoman document Relafing to the Earlest contacts between the khan and sultan//Asiatische Studies /Etude Asifiques. 2006. X. 4. Pp. 963-986.

7. Livi S. The Rise and Fall of Khoqand, 1709-1876 Central Asia in the Global Age. – Pittsburgh: University of Pittsburgh Press, 2017. – 258 p.
8. Milword J. A. Meyond the Pass economy Efnbecity and Empire in Qing Central Asia, 1759-1864. Ifanford (California). Stanford Univer. Press, 2007.; Newbay L. The Empire and the Khanate: a political history of Qind relation with Khokand c. 1760-1860. Leiden: E. J. Brill, 2005.
9. Saray M. Rus isgayli devrinde Osmanli ile Türistan hanliklaeri arasindeki münasebetler (1775-1875). Istanbul: Istanbul Matbaasi 1984.
10. Sohedo J. Russian Colonial Society in Tashkent. 1863-1923. Bloomington Indianapolis: Indiana Univer. Press., 2007.
11. Terletsky N. Conte Dates about the Early Works of the Khuqand Histoiografy//Manusiepta Orientalia. International journal for Oriental Manucript Research. Vol. 11. №1. March, 2005. P. 3-19.
12. Livi S. The Ferghana Walley at the crossroads of World history: the rise of Khokand, 1709-1822//Journal of Global History, 2007. №2. Pp. 213-233.